



Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА

Илм-фан бўлими (электрон журнал)

2020 йил сентябрь

Тошкент – 2020

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

Илмий нашр

2020 йил сентябрь ойи сони

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим ораликдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

Тахрир кенгаши

А.Кўчимов	Б.А.Назаров
Т.Мирзаев	А.Асқаров
А.С.Сагдуллаев	Д.Ю.Юсупова
С.С.Ғуломов	А.Х.Саидов
Ф.Г.Назиров	Т.Ў.Арипова
Р.Д.Курбанов	Қ.Р.Аллаев
М.Ҳ.Рустамбоев	С.М.Туробжонов
Ш.Т.Қудратхўжаев	И.С.Саифназаров
Н.А.Хусанов	Г.А.Мардонова

Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71

МУНДАРИЖА	
ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)	
2020 йил сентябрь сони	
<i>Инновацион зоялар ва ишланмалар</i>	
Б.Н.КАРИМОВ. Абдулла Қодирий асарлари юзасидан хориж олимларининг таҳлиллари.....	5-15
<i>Иқтисод</i>	
З.Р.СОДИКОВ. Миллий иқтисодиётнинг янгиланиши ва ўзига хос жиҳатлари.....	16-27
М.Н.УМУРЗАКОВА. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида тиббий суғуртанинг зарурлиги.....	28-44
<i>Юридик</i>	
И.Б.ДЖУРАЕВ. Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг таълим сифатини таъминлашдаги аҳамияти.....	45-53
Т.Р.КУЧКАРОВ. Мажбурий жамоат ишлари жазосининг халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлиги.....	54-63
<i>Филология</i>	
И.Р.ЭРМАТОВ. Терминологияда эквоним ва эквонимия муносабатлари.	64-71
О.Ж.ҲАМРОЕВА. Воҳид Табризийнинг “Жамъи мухтасар” асари тадқиқи.....	72-81
У.Я.ҚЎЗИЕВ. “Девону луғотит турк”да ўзлашма сўзлар.....	82-89
Н.Б.ХОДЖАЕВА., М.Н.ТАЙЛАНОВА. Ўзбекча-корейсча халқ эртаклари таржимасида миллий характер ва персонаж нутқи ифодасининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари.....	90-101
О.Р.ХУДАЙБЕРДИЕВА. Олмошларда бадий услубнинг акс этиши..	102-109
П.ОМОНОВА. Замонавий ахборот оламида факт-чекнинг платформаларининг аҳамияти.....	110-117
А.У.УМУРЗАКОВА. Араб тилида “Када ва ахаватуҳа” (كاد وأخواتها) ноқис феъллари.....	118-132
Д.А.РУСТАМОВА. Асқад Мухторнинг тарихий образ яратиш маҳорати.....	133-141
Н.Р.ОМОНТУРДИЕВ. Этнографик лексикография тадқиқига доир....	142-152
Ф.СУЛТОНҚУЛОВА. Усмон Азим шеърятининг манбалари.....	153-160

Н.АБДУЛЛАЕВА. Бадий асарларда талаба нуткининг берилиши.....161-168
<i>Тарих</i>
Н.Б.МАХМУДОВА. Брак, правовые нормы брачных отношений у коренного населения Туркестанского края по шариату и адату (по материалам ревизии сенатора Царской России К.К.Палена 1908-1909 г.г.).....169-174
<i>Техника</i>
К.Д.АСТАНАКУЛОВ., П.Ф.ОРИНБАЕВ. Определение параметров и показателей работы пневматического высевающего аппарата барабанного типа.....175-182
<i>Фалсафа</i>
Г.Ғ.ҒАҒҒАРОВА. Ахборотлашган жамиятдан рақамли жамият сари: фалсафий таҳлил.....183-196

ВОҲИД ТАБРИЗИЙНИНГ “ЖАМЪИ МУХТАСАР” АСАРИ ТАДҚИҚИ

Орзигул Жалоловна ҲАМРОЕВА

филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

arguvon87@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақола мумтоз поэтиканинг таркибий қисмларидан илми аруз ва илми қофиянинг назарий асосларига бағишланган рисола – Воҳид Табризийнинг “Жамъи мухтасар” асари тадқиқига бағишланади. Мақолада асарнинг яратилиш тарихи, ўзига хос услуби, таркибий қисми ҳақида маълумотлар келтирилади.

Таянч сўзлар: поэтика, рисола, илми сегона (илмлар учлиги), аруз вазни, аруз доиралари, қофия, хуруфи қофия (қофия ҳарфлари), қофия турлари.

ИССЛЕДОВАНИЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ ВОХИДА ТАБРИЗИ “ЖАМЪИ МУХТАСАР”

Орзигул Жалоловна ҲАМРОЕВА

доктор философии (PhD) по филологическим наукам

Ташкентский государственный университет

узбекского языка и литературы

arguvon87@mail.ru

Аннотация

В данной статье исследуется трактат Вохида Табризи “Жамъи мухтасар”, посвященный теоретическим основам аруза, являющейся составной частью классической поэтики. Также приведены сведения об истории создания произведения, его стиле, содержании.

Ключевые слова: поэтика, трактат, илми сегона (троице знаний), система аруза, рифма (рифмованные буквы), виды рифмы.

Шарқ мумтоз поэтикасида муҳим ўрин тутган қофия илми турли фан соҳалари таркибида ўрганилган, унинг назарий асослари ва амалий жиҳатларини белгилашга қаратилган махсус тадқиқотлар талайгина. Мумтоз қофияга оид арабий, форсий, туркий рисолалар бу илмнинг назарий жиҳатларини очиб берган бўлса, шоир ва ижодкорлар асарлари мисолида уларни амалий тадқиқи амалга оширилган. Воҳид Табризийнинг “Жамъи

мухтасар” асари “илми сегона”га бағишланган манба бўлиб, илмиқофия, илми арузнинг назарий ва амалий асослари қисқа, аниқ, мукаммал шаклда изоҳланган. Маълумки, XV аср манбаси “Жамъи мухтасар” форс тилида яратилган. Асар муаллифи Воҳид Табризий ҳақидаги манбаларда етарлича маълумотлар учрамайди, ҳатто XV аср ижодкорлари ҳақидаги тазкираларда ҳам Воҳид Табризий билан боғлиқ маълумотлар йўқ. Фақат Хўжа Халифа ўз асарида Воҳид Табризий ҳақида қисқагина маълумот келтириб ўтган, холос. Унга кўра Воҳид Табризий ўзининг жияни учун форс тилида арузга оид рисола яратган ва уни “Жамъи мухтасар” деб номлаган [25;205] Демак, Воҳид Табризий ўз асарини жиянининг мумтоз шеър тузилиши, аруз илми, қофия илмини тўлиқ англаб олиши учун амалий ёрдам сифатида яратган. Муаллиф уни яратишда Оллоҳдан мадад сўрайди, сўнг бу асар шеър тузилиши, поэтик шакллар, аруз ва илми қофияга оид қисқа маълумотлардан иборат бўлгани боис уни “Қисқа жамланма” (“Жамъи мухтасар”) деб номлаганини айтади. Афсуски, Воҳид Табризий бу асарни қачон ёзиб тугатганлиги ҳақида маълумот келтирмайди. “Жамъи мухтасар” асарининг мавжуд кўлёмаларининг ҳеч бирида асарнинг ёзилган йили ҳақида маълумотлар учрамайди. Асарнинг сўнгида “кимки қофия илми ҳақида билмоқчи бўлса, унга шу маълумотнинг ўзи кифоя қилади” мазмунидаги жумла келтирилади, холос. “Жамъи мухтасар”нинг рус тилидаги таржимаси А.Е.Бертельс томонидан 1959 йил нашр қилинган [18;158]. А.Е.Бертельс бу таржимани “Жамъи мухтасар”нинг 7 нусхасини ўзаро солиштириш асосида амалган оширган. Олим қуйидаги нусхаларни қиёсий ўрганиб, матн моҳиятини тўғри етказиб беришга ҳаракат қилган: 1. ЎзФАШИ Қўлёмалар фондида сақланаётган № 447 рақамли нусха 2. ЎзФАШИ Қўлёмалар фонди № 1206 рақамли нусха 3. Россия ШИ № С 857 рақамли нусха 4. Россия ШИ № А 483 рақамли нусха 5. Россия ШИ № А1454 рақамли нусха 6. Ленинград Сальтиков-Шедрин кутубхонаси № 498 рақамли нусха 7. Асарнинг 7-нусхаси Россия Шарқшунослик институтида сақланаётган нусха эканлиги айтилган,

бирок қўлёзманинг инвентар рақами кўрсатилмаган. Олимнинг кўрсатишича, бу қўлёзма 17 асрда Туркияда кўчирилган. А.Е.Бертельс танлаган ҳар бир қўлёзма нусха тўлиқ матнга эга бўлиб, имкон қадар уларнинг нисбатан қадимийларини танлаган. Хусусан, А.Е.Бертельс шартли “Д” нусха сифатида белгилаб олган қўлёзма таркибида 4 рисола бўлиб, “Жамъи мухтасар” 1516 йилда (х.922) кўчирилган. Олим асарнинг таржимасини шунчаки келтириб қолмай, нусхалар матни ўртасидаги фарқларни асарнинг сўнгида келтирилган “Изоҳлар” қисмида қиёсан ўрганadi. А.Е.Бертельс асар сўзбошида В.Табризий ва унинг асари борасидаги илмдаги баҳсли саволларга аниқлик киритган. 1948 йилда С.Мирзаев биринчилардан бўлиб, В.Табризийнинг “Жамъи мухтасар” асари ҳақида кичик тадқиқот олиб боради. Олим Ўзбекистондаги қўлёзмалар орасида айнан “Жамъи мухтасар” асари қўлёзмаларига эътибор қаратади. А.Е.Бертельс С.Мирзаевнинг бу хизматини алоҳида таъкидлайди. У “Жамъи мухтасар” асари таржимасини амалга оширишда Ўзбекистондаги қўлёзмалардан ҳам фойдаланган. ЎзФАШИ Қўлёзмалар фондида “Жамъи мухтасар” асарининг № 477 рақами остида сақланаётган нусхаси мавжуд. Бу қўлёзмада “Жамъи мухтасар”дан ташқари 6 рисола ҳам келтирилган. Қўлёзманинг 15а саҳифасидан 29а саҳифасигача “Жамъи мухтасар” рисоласи келтирилган. ЎзФАШИ Қўлёзмалар фондида сақланаётган кейинги нусха № 1206 рақами остида сақланади. Тадқиқотлар натижасида “Жамъи мухтасар” асарининг Ўзбекистон ва хориж қўлёзмалар фондларида сақланаётган 17тадан ортиқ нусхалари аниқланган.

Воҳид Табризий, унинг яшаган даври, “Жамъи мухтасар” рисоласи борасида бир қанча баҳсталаб мулоҳазалар борки, А.Е.Бертельс ўз фикрларини далиллар асосида исботлаб, бу мунозарали қарашларга яқун ясаган. Биринчи масала – В.Табризийнинг қачон яшаб ижод этгани масаласидир. Маълумки, В.Табризий исмли икки ижодкор мавжуд: бири “Жамъи мухтасар” асарининг муаллифи В.Табризий бўлса, иккинчиси мутасаввуф шоир 1669-1670 йилларда вафот этган Мавлоно Воҳид Табризийдир. Жуда кўп хориж

мамлакатлари кутубхоналари каталогларида бу икки ижодкорнинг асарлари аралашиб кетган. Шарқшунос олим Ҳаммер Пургшталль каталоглардаги бу хатоликлар кейинчилик бошқа каталогларга ҳам кўчганлигини афсус билан таъкидлайди [26;380] Олим Ч.Ръега қадар тузилган каталогларгача бу камчиликлар давом этган. А.Е.Бертельс ҳам бу ҳолатни алоҳида таъкидлаган. Г.Этенинг “Янги форс адабиёти” очеркига ҳам, Г.Этенинг бошқа тадқиқотларларига ҳам бу каталогларнинг таъсири катта бўлган. Иккинчи масала Воҳид Табризийнинг “Жамъи мухтасар” асари мустақил асар ёки қайсидир бир асарнинг қисқартмаси, парчаси эканлиги билан боғлиқ. Г.Эте “Жамъи мухтасар”ни қайсидир асардан келтирилган парча сифатида баҳолайди. А.Е.Бертельс эса Г.Этенинг ушбу фикри нотўғри эканлигини исботлаш учун Г.Эте нотўғри тушунган жумлани келтиради. “Ин мухтасарист аз муншаот Воҳид Табризий” жумласи Г.Эте томонидан “Бу парча Воҳид Табризийнинг “Муншаот” китобидан олинган” деб таржима қилинган. А.Е.Бертельс эса бу фикрнинг янглиш эканлигини исботлаш мақсадида “Мифтоҳ ул-бадеъ” ва “Жамъи мухтасар” асарининг бошланғич ва сўнгги саҳифаларидаги парчаларни таржима қилиб, уларни солиштириб кўрсатади. “Мифтоҳ ул-бадеъ” асарининг бошланғичида ўзини Яратганнинг бандаси эканлигини эслаб, китоб жияни Сайфиддин учун битилгани ни айтиб ўтади. Унга кўра жияни Воҳид Табризийдан илтимос қилган: “Мен учун шеър шакллари ҳақида рисола ёзиб беринг. Бу шеър шаклларини ўзингизнинг шеърларингиз мисолида тушунтиринг”. Муаллиф айнан шунинг учун ҳам ушбу рисола эъзгани, уни “Мифтоҳ ул-бадеъ” деб номлаганини айтади. “Жамъи мухтасар”да эса бу асар Воҳид Табризий томонидан ёзилган қисқа рисола эканлиги, унда аруз, қофия, поэтик шакллар ҳақида маълумотлар келтирилганлигини, рисола эъзгани учун ёзилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Асар муаллифи жиянини поэтик шакллар, қофия ҳақидаги ушбу рисола билан табриклайди ва рисола эъзгани “Жамъи мухтасар” деб номлаганини айтади. А.Е.Бертельс бу парчаларни бериш орқали “Мифтоҳ ул-бадеъ” ва

“Жамъи мухтасар” асари алоҳида асар эканлигини исботлаб берган. Гарчи бу икки асар ҳам поэтик шакллар ҳақида бўлса ҳам, “Жамъи мухтасар” асари “Мифтоҳ ул-бадеъ” асарига нисбатан мумтоз поэтиканинг 3 илмига батафсил тўхталган рисола сифатида муҳим аҳамиятга эга. Демак, “Жамъи мухтасар” алоҳида мустақил асар, парча эмас. Воҳид Табризий икки асарини жияни учун ёзган бўлса ҳам, “Жамъи мухтасар” мураккаб тузилиш, назарий фикрларнинг чуқурлашгани билан аҳамиятли. “Мифтоҳ ул-бадеъ” 1417-1418 йилларда ёзиб тугатилган бўлса, “Жамъи мухтасар” рисоласи ундан кейин яратилган.

В.Табризий “Жамъи мухтасар” рисоласидаги маълумотларни махсус бобларга ажратмаган, бироқ поэтика илмига оид назарий фикрларни алоҳида тизим асосида кичик сарлавҳалар остида берган. Асарнинг кичик кириш қисмидан сўнг “илми сегона”нинг таркибий қисмларидан бири аруз илми ва унинг назарий асосларини бирма-бир изоҳлаган. Хусусан, аруз вазни тўғрисида маълумот келтирар экан, фикрни вазн таркибидаги асосий тушунчаларни изоҳлаш билан бошлайди: аруз сўзининг маънолари, мутаҳаррик ҳижо, сокин ҳижо, рукн, байтнинг асосий хусусиятлари. В.Табризий байтни “уй” маъносини англатишига поэтик илмларнинг таъсири қатта эканлигини моҳирона тушунтириб беради. Маълумки, байт тўрт қисмга бўлинади.

Садр (*ҳашв*) *аруз*

Ибтидо (*ҳашв*) *зарб*

Садр ва аруз, ибтидо ва зарб ўртаси ҳашв дейилади. Агар байт уй бўладиган бўлса, қофия уйнинг пастки қисми, маъно эса юқори қисми, байтдаги 4 бўлиниш унинг деворларидир. Олим таъкидлаганидек, қолган поэтик шакллар уйнинг бегадидир. Асарнинг зиҳофлар ҳақидаги қисмида В.Табризий 30 зиҳофнинг маънолари, уларнинг ҳосил бўлиш сабабларини изоҳлаган. Олим шеър шакллари, жанрлар ҳақида маълумот келтирар экан, шеърнинг 3 хил шаклда бўлишини таъкидлайди: қасида, маснавий, мусаммат. Маълумки, бу 3 жанр ўзига хос қофияланиш тизимига эга, яъни уларнинг

қофияланиши бир-биридан фарқ қилади. Айни 3 шеър шаклан бир-биридан тубдан фарқ қилгани боис ҳам Воҳид Табризий шу жанрлар мисолида тушунтиришни мақсад қилган. Аруз вазни баҳрлари, уларнинг афойиллари ҳақида кенг маълумот берган олим аруз доираларини ҳам назардан четда қолдирмайди. Аруз доиралари сони арузга доир рисолаларда турлича келтирилган бўлиб, Жомийнинг “”Рисолаи аруз”ида 4 та, Сайфий Бухорийнинг “Арузи Сайфий”ида 5 та, Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида 7та, Бобурнинг “Аруз рисоласи”да 9 та доира ҳақида маълумот келтирилади. В.Табризий эса арузнинг 6 доираси ҳақида тўхталиб ўтади: 1. Доираи муталифа – ҳазаж, ражаз, рамал баҳри асосида юзага чиқадиган доира. Бу доирага В.Табризий *“Бузад моҳ ниши рухсорат ба рағбат ой санам чокар”* мисрасини намуна сифатида келтиради. Арузга оид рисолаларда доираларнинг номланиши турлича бўлиб, биз айнан “Жамъи мухтасар” рисоласидаги номланиш билан келтирдик. 2. Доираи муттафикка. Бу доира икки баҳрни ўз ичига олади: вофир ва комил баҳрлари. Бу доирага *“Туйи моҳи мо ба лутфи назар туйи шоҳи мо ба фадлу ҳунар”* мисрасини намуна сифатида келтиради. 3. Доираи мужталиба. Бу доира тавил, мадид, басит баҳрларидан таркиб топган. Мисра: *“Биё, ой моҳат чокар ки хаста зи моҳ бихтар”* 4. Доираи муштабиха. Бу доира мутақориб ва мутадорик баҳрларини ўз ичига олади. Мисра: *“Туро кас ва хуби набинанд назири”* 5. Доираи мухталифа. Бу доира 4 баҳрдан таркиб топган: мунсарих, музориъ, мужтасс, муқтазаб. Мисра: *“Нози туро шуд зи ҳусн айши туро шуд ли лутф”* 6. Доираи мунтазиъа. Бу доира 5 баҳрни ўзи ичига олади: сариъ, ғариб, қариб, хафиф, мушокил.

“Жамъи мухтасар”да рубоий вазнлари ҳақидаги маълумотлар алоҳида сарлавҳа остида келтирилган. В.Табризий рубоий вазнлари ҳазаж баҳрининг ахраб ва ахрам шажараларининг 24 вазни ҳақида қисқа маълумот бериб, қофия илми ҳақидаги назарий маълумотларни беришга ўтади. Рисолада келтирилган мумтоз қофиянинг назарий асослари “Қофия”, “Қофия ҳарфлари”, “Қофиянинг ўзак таркибига кўра турлари” сарлавҳалари остида келтирилади.

В.Табризий қофияни мисра сўнгидаги оҳангдош сўз сифатида баҳолаб, қофия таркибидаги равий ҳарфига алоҳида эътибор қаратади. Равийсиз шеър бўлмайди. Олим равий бўлмаса ёки у ҳар хил ҳарфлардан ташкил топса, моҳият ҳам ўзгаришини айтади. “Жамъи мухтасар”да қофия ҳарфлари сифатида таъсис, даҳил, ридф, қайд, равий, васл, хуруж, мазид, нойира; қофия ҳаракатлари сифатида расс, ишбо, ҳазв, таужих, мажро, нифоз кабилар келтирилиб, мисоллар асосида тушунтиришлар берилади. Таъсис, даҳил, ридф, қайд ҳарфлари равийдан олдин; васл, хуруж, мазид, нойира эса равийдан кейин келадиган ҳарфлар сифатида изоҳланади. Масалан, *сарам-барам*. Ушбу икки қофиядош сўздаги р товуши равий бўлса, р ҳарфидан олдинги унли – а – таужих, м ҳарфи эса васл, васлдан олдинги унли – а – мажро саналади.

В.Табризий қофия ҳуруфлари ва ҳаракатлари ҳақида маълумот бериш асносида қофиянинг ўзак таркиби ва қўшимча таркибига кўра турларига ҳам тўхталиб ўтган. Хусусан, мурдаф, мужаррад, муқайяд, муассас, мутлақ каби қофия турларининг хусусиятлари, фарқли жиҳатларини мисоллар асосида тушунтириб беради. Асарнинг сўнги қисмида қофия билан бирга келувчи радиф тушунчаси, байтдаги ўрни ва аҳамияти хусусида мулоҳазалар билдирилган. Радиф мисра охиридаги такрорланувчи сўз сифатида шеър моҳиятини белгилаб берувчи асосий унсурдир. В.Табризий “Жамъи мухтасар”да шеър шакллари, илми аруз ва илми қофияга оид назарий маълумотларни келтиради. Бироқ “илми сегона”нинг таркибий қисмларидан илми бадеъ ҳақида маълумот келтирилмайди. Табризий асарни “Кимки қофия илми ҳақида маълумотга эга бўлишни истаса, шунинг ўзи етарли” мазмунидаги жумлани келтириб яқунлайди. Кўриниб турибдики, “Жамъи мухтасар” поэтик илмлар жамланмаси бўлиб, илми аруз ва илми қофияга оид маълумотларни ўзи ичига жамлаган муҳим асар. Рисоладаги назарий асослар бу илмлар ҳақида тўлиқ маълумот бера олади. Асарнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда амалий мисоллардан кўра назарий фикрлар кўп, биргина мисол орқали тушунтиришга ҳаракат қилинган. “Жамъи мухтасар” рисоласи Абу

Абдуллоҳ Хоразмий “Мафотих ал-улум”, Даманхурийнинг “Ал-ҳошияу-л-кабири али матну-л-кофий фи илму-л-аруз ва-л қавофий”, Юсуф Саккокийнинг “Мифтоҳ у-л- улум”, Қиноийнинг “Мезону-з-заҳаб фи ва-л синоат шеър-л-араб”, Шамс Қайс Розийнинг “Ал-Мўъжам фи маъйири ашъору-л-ажам” [21;161], Абдурахмон Жомийнинг “Рисолаи қофия” [4;38] Носириддин Тусийнинг “Миъйор-л-ашъор” [9; 1325] Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Рисолаи дар қавойиди илми қавофи”, Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” [23;210] каби мумтоз поэтикага оид асарлардан айни хусусияти билан фарқланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Воҳид Табризийнинг “Жамъи мухтасар” асари мумтоз поэтиканинг назарий асосларига бағишланган муҳим манба бўлиб, унинг тадқиқи поэтика илми учун муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Азер А. Рифма персидского стиха / Проблемы восточного стихосложения. – Москва: Наука, 1973. – 110 с.
2. Гаспаров М. Л. Эволюция русской рифмы. / Проблемы теории стиха. – Ленинград: Наука, 1984. – С. 3-36.
3. Жирмунский В. М. Рифма, ее история и теория /Теория стиха. – Ленинград, 1975.
4. Жомий, Абдурахмон. Рисолаи қофияи Мулла Жомий. – Калькутта, 1867. – 38 б.
5. Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал- Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асарида поэтика. – Тошкент, 2001. – Б.35.
6. Котетишвили В. В. Структура персидской классической рифмы. АДД. – Тбилиси, 1975. – 284 с.
7. Крачковский И.Ю. Арабская поэтика в IX в. / Избранные произведения. Т.2. – Москва-Ленинград, 1956. – С. 360-372.

8. Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика X-XV вв. – Москва: Наука, 1989.
9. Носир ад-Дин Гуси. Ми'йар ал-аш'ор. – Техрон, 1325
10. Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоялар. – Тошкент, 1986.
11. Оганесян Д. А. “Книга поэзии и поэтов” Ибн Кутайбы (828-889) как источник для истории классической арабской поэзии. АКД. – Москва, 1980. – С.245.
12. Рустамов А. Қофия нима? – Тошкент: Фан, 1976, – 87 б.
13. Рустамов А. Қофия структурасига оид бир назария хақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1976. – №3. – Б.57
14. Самойлов Д. Книга о русской рифме. – Москва, 1982. – 180 с.
15. Саъдий А. Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари. – Тошкент, 1923. – 123 б.
16. Сирус Б. Рифма в таджикской поэзии. – Сталинобод, 1953. – 211 б.
17. Стеблова И.В. Арабо-персидская теория рифмы и тюркоязычная поэзия. // Тюркологический сборник. – Москва, 1996. – С. 246-254.
18. Табризи, Вохид. Джем и мухтасар. Критический текст, пер. И примеч. А. Е Бертельса. – Москва: Наука, 1959. – С.158.
19. Тўйчиев У. Қофия ва унинг назариясига оид / Адабиёт назарияси. II том. – Тошкент: Фан, 1979. – Б. 368-385.
20. Фитрат А. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам ҳаваслилари учун қўлланма (нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев). – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 17.
21. Хасанали Муҳаммади. Рифма а персидской поэзии: Канд.фил.наук.Автореферат. – Душанбе, 2006. – 64 с.
22. Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. – Душанбе: Адиб, 1991. – 161 саҳ.
23. Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л-балоға. – Тошкент: Хазина, 1996. – 210 б.

24. Шарқ мумтоз поэтикаси. //Ҳамидулла Болтабоев талқинида. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедиси, 2008. – Б. 424.
25. Haji Khalifa. Lexicon bibliographicum et encyclopadicum. Edidit... Gustavus Flügel, Leipzig – London, vol IV, 1837, f. 205.
26. J. Hammer. Geschichte der schönen Redekünste Persiens nebsi einer Blüthentese aus zweyhundert persischen Dichtern, Wien, 1818. S.380